XALQ DEPUTATLARI BO‘STON TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 1 - mart VI-41-18-1-19-K/22 Bo‘ston tuman hokimligi

Бўстон тумани бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-6121-сонли Фармони ҳамда Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2022 йил 3 февралдаги “Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 6 январь кунги VI-30-1-1-0-K/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарорига асосланиб, Бўстон тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг 2022 йил учун солиқ ставкаларини тартибга солиш мақсадида халқ депутатлари Бўстон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2022 йил 3 февралдаги VI-32-14-1-0-K/22-сонли қарорига асосан Бўстон тумани бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлоқ миқдори 21 700 ,0 минг сўм ҳамда жисмоний шахсларга 1 кв.м учун базавий солиқ ставкасининг мутлоқ миқдори 198,4 сўм белгиланган базавий солиқ ставкасига коэффициентларни қўллаш юзасидан тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими ҳамда туман давлат солиқ инспекциясининг маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда келгуси йил учун белгиланган туман маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича 2022 йилда туман бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлоқ миқдорларига нисбатан камайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Бўстон тумани учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда Бўстон тумани учун мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

- Бунда, Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

- туман халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгаши 1 ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1-2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, жорий йилнинг 28-февралига қадар муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этиш тавсия этилсин.

- Бунда, халқ депутатлари туман Кенгашига ушбу қарорнинг 1-2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда туманимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиқиқан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

6. Бўстон туман Давлат солиқ инспекцияси (Д.Ахмадалиев) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 1 мартга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

7. Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгашининг 2021 йил 17 декабрдаги “Бўстон тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-38-46-1-19-K/21-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати ва “Бўстон” газетаси тахририятига мазкур қарорни матбуотда эълон қилиниши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор бажарилишининг назорати халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиясига юклатилсин.

10. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси **М.К.Тўйчиева**

Xalq deputatlari Bo‘ston tuman
Kengashining
2022 yil 1 martdagi
VI-41-18-1-19-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	1 гектар учун солиқ ставкаси (минг сўм)
1	Обод МФЙ (эски Чорвадор МФЙ)	1,10	23 870,0
2	Ғолиб МФЙ	1,00	21 700,0
3	Мустақиллик 15 йиллиги МФЙ	1,00	21 700,0
4	Кўхинур МФЙ	1,05	22 785,0
5	Янги қишлоқ МФЙ	1,00	21 700,0
6	Янги обод МФЙ	1,00	21 700,0
7	Маориф МФЙ	1,10	23 870,0
8	Гузар МФЙ	1,10	23 870,0
9	Маданият МФЙ	1,10	23 870,0
10	Дўстлик МФЙ	1,10	23 870,0
11	Сарбон МФЙ	0,80	17 360,0
12	Якка тол МФЙ	0,80	17 360,0
13	Пиллакор МФЙ	1,10	23 870,0
14	Бўстон МФЙ	1,00	21 700,0
15	Давлатобод (эски Тафаккур МФЙ)	1,00	21 700,0
16	Сариқ жўга МФЙ	1,05	22 785,0
17	Наврўз МФЙ	0,80	17 360,0
18	Гулшан МФЙ	0,90	19 530,0
19	Боғи Эрам МФЙ	0,80	17 360,0
20	Дехқонобод МФЙ	1,00	21 700,0
21	Нурафшон МФЙ	1,00	21 700,0
22	Мехнатобод МФЙ	1,00	21 700,0
23	Ховос МФЙ (эски Чашма МФЙ)	1,00	21 700,0
24	Гулистон МФЙ	1,00	21 700,0
25	Халқабод МФЙ	1,00	21 700,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Солик кодексига мувофиқ базавий ставка	21 700,0

Xalq deputatlari Bo‘ston tuman
Kengashining
2022 yil 1 martdagi
VI-41-18-1-19-K/22-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	1 кв.м учун солиқ ставкаси (сўмда)
1	Обод МФЙ (эски Чорвадор МФЙ)	1,10	218,24
2	Ғолиб МФЙ	1,00	198,40
3	Мустақиллик 15 йиллиги МФЙ	1,00	198,40
4	Кўхинур МФЙ	1,05	208,32
5	Янги қишлоқ МФЙ	1,00	198,40
6	Янги обод МФЙ	1,00	198,40
7	Маориф МФЙ	1,10	218,24
8	Гузар МФЙ	1,10	218,24
9	Маданият МФЙ	1,10	218,24
10	Дўстлик МФЙ	1,10	218,24
11	Сарбон МФЙ	0,80	158,72
12	Якка тол МФЙ	0,80	158,72
13	Пиллакор МФЙ	1,10	218,24
14	Бўстон МФЙ	1,00	198,40
15	Давлатобод (эски Тафаккур МФЙ)	1,00	198,40
16	Сариқ жўға МФЙ	1,05	208,32
17	Наврўз МФЙ	0,80	158,72
18	Гулшан МФЙ	0,90	178,56
19	Боғи Эрам МФЙ	0,80	158,72
20	Дехқонобод МФЙ	1,00	198,40
21	Нурафшон МФЙ	1,00	198,40
22	Мехнатобод МФЙ	1,00	198,40
23	Ховос МФЙ (эски Чашма МФЙ)	1,00	198,40
24	Гулистон МФЙ	1,00	198,40
25	Халқабод МФЙ	1,00	198,40

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Солик кодексига мувофиқ базавий ставка	198,4